Ҳар бир инсон фаровонлиги учун!

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№44

2024-yil
23-oktabr, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan

✓ Сайлов — 2024








ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА ФАОЛ ТАРҒИБОТ

УЧРАШУВЛАР КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТМОҚДА

Наманган шаҳридаги уч фаввора хиёбони... Одам гавжум, атроф байрамона безатилган. Чироқлар нури билан саҳна янада чиройли ва жалб қилувчи кўринишга келган. Мониторда депутатликка номзодларнинг расмлари, партиянинг логотипи, шиорлари бирин-кетин кўрсатилмоқда. Ушбу тадбир Халқ демократик партиясининг тарғибот тадбири эди. Шу куни бутун хиёбон бўйлаб партия нафаси уфуриб турди, энг муҳими, бу шукуҳ иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди, яхши таассуротлар қолдирди. Хуллас, ушбу тадбир беш йилликнинг энг муҳим сиёсий кампаниясига алоҳида жўшқинлик, ранг- баранглик бағишлади.

Катта саҳнага бошловчилар кириб келишди ва тадбир ташаббускори бўлган Халқ демократик партиясининг фаоллари, депутатликка номзодларини таклиф қилишди. Байрамона кўтаринки кайфиятда турли соҳа вакиллари, жамоатчилик фаоллари, кексалар ва ёшлар иштирокида ўтган тадбирда Халқ демократик партиясининг сиёсий куч сифатида давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни, таъсири ҳақида сўз юритилди. ХДПнинг барча фуқаролар учун бирдек манфаатли мақсад ва ғояларини қамраб олган янги Сайловолди дастури кенг таништирилди.



Тугаётган ҳафтанинг якшанбаси мамлакатимиз янги тарихида муҳим саналар қаторидан ўрин олиши шубҳасиз. Аралаш сайлов тизими асосида бўлиб ўтадиган парламент сайловларида сайловчилар конституцион ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда овоз берадилар. Айни кунларда поёнига етаётган сайлов кампанияси даврида барча сиёсий партиялар аввал-бошданоқ етакчилик учун курашга дадил киришгани, сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини янги ва самарали шаклларда олиб боришга интилаётгани, ўз навбатида халқимизнинг сиёсий маданияти анча фаоллашгани қувонарли, албатта.



Очиқ мулоқот майдони 8



ТИЛ БИЛИБ, СИРЛАШИНГ ДУНЁЛАР БИЛАН

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Халқ демократик партияси қонун устуворлиги, ижтимоий тенглик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш тамойилларига содиқлигини кўрсатиб келган. Бу йилги Сайловолди дастуримиздан ўрин олган ғоя ва ташаббуслар таг замирида ҳам электорат манфаатларига содиқликни, асосий тамойилларини қаттиқ ҳимоя қилиш руҳиятини англаш мумкин.

Хусусан, дастуримизда қонун устуворлиги, ижтимоий тенглик, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва фуқаролар ҳамжиҳатлигига алоҳида аҳамият қаратилган. Ушбу йўналиш партиянинг мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий адолатни таъминлашга оид аниқ чора-тадбирларини белгилайди.

КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИДА ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?



6 САҲИФАДА

УЧРАШУВЛАР КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТМОҚДА

НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ УЧ ФАВВОРА ХИЁБОНИ... ОДАМ ГАВЖУМ, АТРОФ БАЙРАМОНА БЕЗАТИЛГАН. ЧИРОҚЛАР НУРИ БИЛАН САҲНА ЯНАДА ЧИРОЙЛИ ВА ЖАЛБ ҚИЛУВЧИ КЎРИНИШГА КЕЛГАН. МОНИТОРДА ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРНИНГ РАСМЛАРИ, ПАРТИЯНИНГ ЛОГОТИПИ, ШИОРЛАРИ БИРИН-КЕТИН КЎРСАТИЛМОҚДА. УШБУ ТАДБИР ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ТАРҒИБОТ ТАДБИРИ ЭДИ. ШУ КУНИ БУТУН ХИЁБОН БЎЙЛАБ ПАРТИЯ НАФАСИ УФУРИБ ТУРДИ, ЭНГ МУҲИМИ, БУ ШУКУҲ ИШТИРОКЧИЛАРДА КАТТА ҚИЗИҚИШ УЙҒОТДИ, ЯХШИ ТААССУРОТЛАР ҚОЛДИРДИ. ХУЛЛАС, УШБУ ТАДБИР БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ЭНГ МУҲИМ СИЁСИЙ КАМПАНИЯСИГА АЛОҲИДА ЖЎШҚИНЛИК, РАНГ-БАРАНГЛИК БАҒИШЛАДИ.





Катта саҳнага бошловчилар кириб келишди ва тадбир ташаббускори бўлган Халқ демократик партиясининг фаоллари, депутатликка номзодларини таклиф қилишди.

Байрамона кўтаринки кайфиятда турли соҳа вакиллари, жамоатчилик фаоллари, кексалар ва ёшлар иштирокида ўтган тадбирда Халқ демократик партиясининг сиёсий куч сифатида давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни, таъсири ҳақида сўз юритилди. ХДПнинг барча фуқаролар учун бирдек манфаатли мақсад ва ғояларини қамраб олган янги Сайловолди дастури кенг таништирилди.

Учрашувни партия етакчиси Улуғбек Иноятов кириш сўзи билан очди.

– Сайлов кампаниясининг энг қизғин даврига киришар эканмиз, ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаини кўпайтириш бўйича сиёсатни мақсад қилганмиз. Ана шу мақсадларга эришиш учун партия кейинги беш йиллик учун 10 та йўналиш, 15 та стратегик қадамдан иборат устувор вазифаларни режалаштирган, — дея алоҳида таъкидлади У.Иноятов.

Залда гулдурос қарсаклар янгради. Ахир одамийлик, муҳтожларга мадад бўлишни халқимиз ҳамиша қўллаб-қувватлаган.

Тарғибот тадбирида сўзга чиққан фаоллар, депутатликка номзодлар иштирокчиларни партия Сайловолди дастурида илгари сурилаётган ҳаётий ва изчил таклифлар билан таништиришди.

Қайд этилдики, партия аҳолини арзон уй-жой ва сифатли коммунал хизматлари билан таъминлаш, қурилиш соҳасида самарали назоратни кучайтириш, фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини таъминлаш учун арзон уй-жойлар қурилишини кенгайтиришга қатъий ҳаракат қилмоқда. Янги Сайловолди дастурида “Ижтимоий турар жойлар тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш ташаббуси илгари сурилаётган бўлиб, унда аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари, жумладан, уй-жойсиз, яшаш шароити ўта оғир, ногиронлиги бўлган ёки оила аъзолари орасида ногиронлиги мавжуд аёллар, оилавий болалар уйлари битирувчилари учун ижтимоий турар жойлар қуришни белгилаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, сўзга чиққанлар қурилиш соҳасида жамоатчилик ҳамда давлат назоратини кучайтириш, қурилишларда яшил зона, мактаб, боғча, поликлиника, автотураргоҳ кабиларни инобатга олиш бўйича талабларни қонун даражасида қатъий белгилаш, бетартиб қурилишлар олдини олиши баробарида, қурилиш жараёнларини аҳолига ва атроф-муҳитга зарарсиз тартибда ташкил этишга ҳисса қўшиш муҳим масала эканини таъкидлашди. Партиянинг бу борада илгари сураётган ғоя ва таклифларининг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтишди.

Янги сайловда Халқ демократик партияси пешқадамлардан бўлишни, парламентда ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик ўринларинларидан салмоқли қисмини эгаллашни мақсад қилган. Бунинг учун партиянинг тажрибаси ҳам, куч ва салоҳияти ҳам етарли экани наманганлик сайловчилар билан юзма-юз мулоқотда яна бир бор эътироф этилди.

Сайловчилар, айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаатларига хизмат қиладиган ташаббуслар маъқул келганини, бепул маслаҳат берадиган “юридик клиника”лар тармоғини ривожлантириш кам даромадли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатура ва юридик хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлашда ҳуқуқий ёрдам бўлиши ҳақидаги фикрларни маъқуллашди.

Шунинг билан бирга, йўлларда режалаштирилаётган таъмирлаш ишлари ва уларнинг давомийлиги ҳақидаги эълонни камида ўн кун олдин Интернет тармоғида жойлаштириш, йўл-транспорт соҳасида қонунийликни таъминлаш мақсадида ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этиш муддатини қисқартириш имкониятидан фақатгина бир маротаба фойдаланиш тартибини жорий этишга қаратилган таклифларга ҳам ижобий муносабатлар билдирилди.

СЎЗ — ТАДБИР ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳусайн ТУРСУНБОЕВ, партия фаоли:

– Йиғилишда айтилишича, Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида фуқаро коммунал хизматлардан асоссиз ёки таъминотчининг айби билан узилган тақдирда таъминотчи томонидан фуқарога компенсация тўлаш тизимини жорий этишни таклиф қиляпти.

Мен кўп қаватли уйда тураман. Ҳар доим коммунал хизматлар билан шартнома тузаётганда шартномани, албатта, ҳижжалаб ўқиб чиқаман. Қарасангиз, ҳаммаси уларнинг фойдасига ёзилгандек. Тўлов кечиккан ҳар бир кун учун пеня белгиланган. Мисол учун, ишлатилмаган электр энергияси пулини олдиндан тўлаймиз. Ҳатто 1000 сўм қарз бўлсак ҳам дарров автоматик ўчирилади. Лекин мабодо ҳудудий электр тармоқлари корхонасининг айби билан ток ўчса-ю, музлатгичдаги озиқ-овқат маҳсулотларимиз айниса ёки электр энергияси босими кўпайиб кетиб, техникаларимиз куйиб қолса, компенсация тўланмайди. Ёки қишнинг изғирин кунлари газ узилиб, болалар шамоллаб қолса, шифохонага ётқизишга тўғри келса бунинг учун ҳеч ким бадал пули бермайди.

Булар одатий кундалик ҳаётимизда тез-тез учрайдиган ҳолатлар. Шунинг учун “ўзбекчилик, кел, арзимаган нарса учун дилхиралик қилмай”, деймиз. Лекин бу тадбиркорлик билан шуғулланаётган одамнинг бошига тушса, катта зарар кўради. Бир ҳамсоям уйидан дўкон очиб, музқаймоқ, колбаса, сосискага ўхшаган гўшт маҳсулотлари сотарди. Ёзнинг чилласида 3 соат ток ўчиб қолиб, ҳамма музқаймоғи эриб, сув бўлиб кетди. Гўшт маҳсулотларим айниб кетди. Анча пулга куйиб қолди. Электр тармоқлари корхонасига шикоят қилиб борганди, у ердагилар ҳам куннинг иссиғида юклама ошиб кетгани учун трансформаторда носозлик юз берганини айтиб ўзини оқлади.

Бундай ҳолатлар коммунал хизматнинг бошқа турларидаям кўп учрайди. Шунинг учун бу ғоянинг амалга ошишини истайман.

> **БАЙРАМОНА КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА ТУРЛИ СОҲА ВАКИЛЛАРИ, ЖАМОАТЧИЛИК ФАОЛЛАРИ, КЕКСАЛАР ВА ЁШЛАР ИШТИРОКИДА ЎТГАН ТАДБИРДА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ СИЁСИЙ КУЧ СИФАТИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ, ТАЪСИРИ ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТИЛДИ.**

Мариана ЗАРИПОВА, партия фаоли:

– Учрашувда ажойиб муҳит ҳукмрон. Халқ демократик партияси вакиллари Сайловолди дастурни обдон тушунтириб беришди. Бу жуда яхши бўлди. Биз ўзимиз учун кўп нарса билдик. Партия нима ваъдалар бераётганини, қандай ташаббусларни илгари сураётганидан хабардор бўлдик.

Шахсан менга дастурдаги зўравонликка учраган аёллар ва болаларнинг расм ва видеоларини тарқатмаслик кераклиги ҳақидаги таклиф ёқти.

Мен ҳам аёлман. Аёлларнинг дардини яхши ҳис қиламан. Ўзи шундоғам эридан меҳр кўрмаган, турмушидан ҳаловат топмаган бечоранинг расм ёки видеосини тарқатиб, унинг кўча-кўйда юришини ҳам қийинлаштириб қўйиш жуда нотўғри иш, деб ўйлайман. Уларни оммага кўрсатиб, бошқаларга масхаралатмасдан ҳам уларга ёрдам бериш мумкин.

Халқ демократик партиясининг шу каби таклифлари менга жуда маъқул келди. Шунинг учун сайловда мен уларни қўллаб-қувватлайман.

Шоира ҲАСАНОВА, талаба:

–Ҳеч бир партияга аъзо эмасман. Лекин сиёсатга қизиққаним учун ҳамма партиянинг дастури билан танишиб чиқдим. Бу йилги сайловлар анча фаол ўтади, деб ўйлайман. Бугунги йиғилишда айтилган Халқ демократик партияси дастуридаги баъзи таклифлар менга маъқул келди. Ҳамма ўзига керагини олади. Мен ҳам ўзимга тааллуқли таклифларга кўпроқ эътибор қаратдим.

Дастурда машиналарнинг газ баллонларини олиб киришдан тортиб ундан фойдаланишгача бўлган жараёнларни назоратга олиш ҳақида гап кетди. Бу жуда яхши таклиф назаримда.

Гувоҳи бўляпмиз, баъзи машиналарнинг газ баллонлари портлаб кетяпти. Натижада одамлар вафот этяпти, қанчадан-қанча зарар келтирилаяпти. Бу назорат камлигидан, техника хавфсизлигига амал қилинмаганидан, деб биланман.

Партиянинг йўлларда хавфсизликни таъминлашга қаратилган таклифлари кучга кирса йўлларда анча тартиб ва хавфсизлик таъминланган бўларди, менимча.

Мен йўллар хавфсизроқ бўлиши учун Халқ демократик партияси учун овоз бераман.

Нигора ОХУНОВА, ўқитувчи:

– Халқ демократик партиясининг дастурида бир қатор муҳим масалалар кўтарилди, деб ўйлайман. Масалан, аёллар меҳнатига ихтисослаштирилган ишлаб чиқарувчи ташкилотлар қошида оилавий боғчалар фаолиятини йўлга қўйиш орқали корхонада ишловчи аёлларга шароит яратиш таклифи ҳаётий, деб биламан.

Замон тезлашиб кетди. Биргина эркакнинг ишлаши баъзи вақтларда оилада молиявий қийинчиликлар бўлишини кўриб турибмиз. Бунинг устига юртимизда аёлларга бўлган эътибор ортиб бормоқда. Уларнинг билим олиши, касб эгаллаши рағбатлантирилмоқда. Шундай шароитлар яратилаётган паллада аёлнинг ишламасдан уйда ўтириши ҳам тўғри эмас.

Партия илгари сураётган ташаббус боғча ёшидаги фарзанди бор аёлларга ҳам ишлаш имконини кўпайтиришга хизмат қилади. Оилада ҳам аёл, ҳам эркак ишласа у оилада тўкинлик, фарзандлари келажаги учун яхши шароит таъминланади. Аёлнинг ишлаши оиладаги ижтимоий муҳитнинг барқарорлашишига ҳам олиб келади.

Шундан келиб чиқиб, сайловда мен Халқ демократик партиясини қўллаб-қувватлайман.

* * *

Мулоқотда партия электорати вакиллари ҳам сўзга чиқиб, дастурдан ўрин олган таклифлар халқчил, ҳаётий эканини алоҳида эътироф этишди.

Юртимиз водийсининг бошқа вилоятларидан ҳам фаоллар, хайрихоҳларни жалб қилган оммавий тадбир давомида куй-қўшиқлар, рақс, хурсандчилик кайфияти ҳукм сурди. Қатнашчиларнинг сиёсий билимларини ошириш мақсадида қисқа савол-жавоблар викторинаси ўтказилди. Энг топқир иштирокчиларга тарғиботга қаратилган эсдалик совғалари берилди.

Тадбир якунида сайловларнинг аҳамияти ҳақида, юрт келажаги ва ўз тақдирига бефарқ бўлмаслик хусусида сўз юритилиб, Халқ демократик партиясига, унинг номзодларига овоз беришга чақириқлар янгради.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.



ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

Халқ демократик партияси қонун устуворлиги, ижтимоий тенглик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш тамойилларига содиқлигини кўрсатиб келган. Бу йилги Сайловолди дастуримиздан ўрин олган ғоя ва ташаббуслар таг замирида ҳам электорат манфаатларига содиқликни, асосий тамойилларини қаттиқ ҳимоя қилиш руҳиятини англаш мумкин.



Хусусан, дастуримизда қонун устуворлиги, ижтимоий тенглик, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва фуқаролар ҳамжиҳатлигига алоҳида аҳамият қаратилган. Ушбу йўналиш партиянинг мамлакатда суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий адолатни таъминлашга оид аниқ чора-тадбирларини белгилайди.

ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИККА АСОСЛАНГАН ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ

Халқ демократик партиясининг давлат бошқаруви соҳасидаги ғояларида **ижтимоий тенглик ва халқ ҳокимиятчилигига асосланган очиқ, шаффоф, халқчил ва демократик давлат бошқаруви** тизимини жорий этиш устувор аҳамият касб этади.

Ушбу йўналишда биз, аввало, давлат бошқарувида юқори профессионализмни таъминлаш мақсадида қонун даражасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбари лавозимига фақатгина шу соҳада **камида ўн йиллик иш стажига эга бўлган малакали мутахассисларни тавсия этиш** бўйича талабни белгилаш ташаббуси билан чиқмоқдамиз.

Бу таклиф очиқ, шаффоф, халқчил ва демократик давлат бошқаруви тизимини жорий этиш каби тамойилларга мос келади. Мазкур ғоя давлат идораларини профессионал ва малакали кадрлар билан таъминлаш, раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда адолатли ва шаффоф тизимни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Бундай ёндашув истиқболда ўзининг ижобий натижаларини беришини қуйидагича асослаш мумкин.

Биринчидан, раҳбарлик лавозимларига профессионализм ва тажрибага эга бўлган кадрларнинг келиши давлат бошқаруви самарадорлигини оширади.

Иккинчидан, 10 йиллик иш стажи талаби номзодларга ўз соҳасида етарли билим ва амалий кўникмаларни тўплаш, раҳбарлик сифатларини шакллантириш имконини беради. Бу раҳбарларнинг пухта ўйланган ва оқилона қарорлар қабул қилишига замин яратади.

Учинчидан, соҳада етарли тажрибага эга раҳбарлар давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида дуч келинадиган муаммоларнинг моҳиятини чуқурроқ англайди, уларни самарали ҳал этиш йўлларини яхшироқ билади.

Шундай қилиб, давлат бошқарувида профессионаллик ва юксак малакани таъминлаш бўйича ташаббусимиз Сайловолди дастуримизда белгиланган устувор вазифа — **ижтимоий тенглик ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган адолатли давлат бошқарувига эришиш** мақсадига тўла мос келади. Бу таклифнинг қонун даражасида мустаҳкамланиши мамлакатда демократик бошқарув тамойилларининг янада ривожланишига ва фуқаролар фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА АЁЛЛАР ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМ

Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида **гендер тенглигининг институционал механизмларини ривожлантириш**, аёлларнинг сайловларда, сиёсий партиялар фаолиятида иштирокини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Хусусан, партия **давлат органларидаги раҳбарлик лавозимларида аёллар учун 50 фоизлик мажбурий квота жорий этиш**ни таклиф қилмоқда.

Ушбу ташаббус мамлакатимизда демократик жамият қуриш ва барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга хизмат қилади.

Раҳбарлик лавозимларида аёллар вакиллигининг ошиши жамиятда гендер тенгликни таъминлаш, барча соҳаларда аёлларнинг салоҳияти ва қобилиятларини тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради.

Аёл раҳбарлар ижтимоий соҳалардаги муаммоларга, хотин-қизлар ва болалар манфаатларига алоҳида эътибор қаратадилар. Бу эса ижтимоий сиёсат самарадорлигини оширади, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилайди.

Давлат ҳокимиятида гендер мувозанатнинг таъминланиши аёлларнинг сиёсий фаоллигини оширади, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ташаббусларни илгари суришга ундайди.

Шу билан бирга, раҳбарликда аёллар иштироки хотин-қизлар учун ижобий намуна вазифасини ўтайди, ёш авлод вакилларини фаол фуқаролик позициясини эгаллашга, ўз орзу-мақсадларига интилишга илҳомлантиради.

МАСЛАҲАТЛАШУВЛАР ЎТКАЗИШ ИНСТИТУТИ — ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШДАГИ САМАРАЛИ ЁНДАШУВ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида **ижро ҳокимияти томонидан муҳим ижтимоий қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар фракциялари ва жойлардаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш институтини жорий этиш** таклифи илгари сурилган. Ушбу ташаббусимиз жамиятда ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш, қабул қилинадиган қарорлар сифатини ошириш ва аҳоли муаммоларини янада самарали ҳал этиш каби ижобий натижаларга олиб келади.

Ижтимоий қарорлар қабул қилишда жамоатчилик фикри ва партиялар позициясини ҳисобга олиш демократик тартиб-таомилларни янада мустаҳкамлашга, очиқ ва шаффоф бошқарув тизимини ривожлантиришга хизмат қилади.

Умуман олганда, мазкур таклифимиз Ўзбекистонда кенг жамоатчилик иштирокига асосланган демократик бошқарув тизимини янада ривожлантиришга, фуқаролик жамияти ва давлат ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш вазифаларига хизмат қилади ҳамда мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларини белгилашда халқ иштирокини кучайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИДА МАХСУС КВОТА

Сайловолди дастуримизда **ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини таъминлаш** муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Партия парламент ва маҳаллий Кенгашларга **сайловларда** ҳамда **давлат фуқаролик хизматида ногиронлиги бўлган шахслар** учун махсус **квота** жорий этишни таклиф қилмоқда.

Ушбу ташаббус партиянинг ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларига содиқлигини кўрсатади ҳамда БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларига мос келади. Квота тизими ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий ҳаётга фаол жалб этиш, меҳнат бозорида тенг имкониятлар яратиш, жамиятда бағрикенглик ва инклюзив муҳитни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга, ушбу таклиф партиянинг инсонпарварлик тамойилларига содиқлигини намоён этиши баробарида, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва жамиятда ўзаро ҳурмат муҳитини қарор топтиришга хизмат қилади. Бу орқали ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитлар яратилади, фуқаролар ўртасида ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик муҳити қарор топади. Энг муҳими, квота тизими ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳаётга янада фаол жалб этиб, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, ижодий ва касбий салоҳиятларини ҳар томонлама рўёбга чиқариш имконини беради.

ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИ — СУД ЖАРАЁНИДА ОЧИҚЛИК ВА АДОЛАТНИ ТАЪМИНЛОВЧИ САМАРАЛИ ИНСТИТУТ

Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш жамиятда адолатни таъминлаш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир. Ушбу жараёнда илғор хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда уни қўллаш орқали суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлаш йўналишида муайян натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам мазкур йўналишда жаҳон тажрибасига таянган ҳолда суд жараёнларида ҳакамлар ҳайъати (jury system) институтини жорий қилиш лозим, деб ҳисоблайди.

Партиямиз қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, аҳоли орасида судлар фаолиятига ишончни ошириш учун кўплаб муҳим ташаббусларни илгари суради. Хусусан, **ҳакамлар ҳайъати одил судловни амалга оширишнинг муҳим институти бўла олади,** деган ғоянинг Сайловолди дастуримизда илгари сурилиши одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Биз **ҳакамлар ҳайъати институти одил судловни янги поғонага кўтаради**, деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш жоизки, ҳакамлар ҳайъати суд жараёнида иштирок этувчи мустақил орган бўлиб, унинг аъзолари жамоатчилик вакилларидан иборат. Улар суд жараёнида иштирок этиб, ишни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилишда судьяларга ёрдам беради. Бу институтнинг асосий мақсади суд жараёнининг шаффофлигини таъминлаш ва суд қарорларининг адолатли бўлишини кафолатлашдир.

Ҳозирги амалиётда халқ маслаҳатчиларининг роли суд қарорига тўғридан тўғри таъсир кўрсатмайди. Одатда, халқ маслаҳатчилари фақат маслаҳат бериш ҳуқуқига эга бўлиб, якуний қарор судья томонидан қабул қилинади. Ҳакамлар ҳайъати институти эса, суд жараёнида ўзларининг фаол иштироки ва суд қарорини қабул қилишда бевосита иштирок этишларини таъминлайди. Бу тизимда ҳайъат аъзолари суд қарорига бевосита таъсир ўтказади, яъни, суд ишида айбдорлик ёки айбсизликни аниқлаш бўйича мустақил қарор қабул қилишда ўз ўрнига эга бўлади.

Ҳакамлар ҳайъати институти тараққий этган давлатлар суд тизимида катта муваффақият қозониб келмоқда. Жумладан, Буюк Британия ва АҚШ шундай мамлакатларнинг ёрқин намунаси бўлиб, фуқаролик ва жиноий ишларни кўриб чиқишда мазкур институтдан кенг фойдаланиб келинади.

ҲУДУДИЙ СУД РАИСЛАРИНИНГ РОТАЦИЯСИ — ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ГАРОВИ

Суд тизими ҳар қандай давлатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга. **Вилоят ва туман (шаҳар) судлари раисларининг қонун талаблари асосида ротация қилиб борилиши** суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Суд раисларини ҳар йили ротация қилиш амалиёти судьяларни муайян ҳудудда узоқ муддат фаолият кўрсатиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий босимлардан ҳимоя қилишга ёрдам беради. Бу амалиёт судьяларга ўз вазифаларини ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз адолатли бажариш имкониятини яратади.

Шу билан бирга, ротация амалиёти суд раислари фаолиятини ва уларнинг юқори меҳнат стандартларига мувофиқлигини мунтазам равишда баҳолаш имконини беради. Бу эса судлар фаолиятида шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлайди. Суд раисларининг тез-тез ўзгариб туриши ички назорат ва ўз-ўзини тартибга солишни кучайтиришга ёрдам беради, чунки ҳар бир янги раҳбар суд фаолиятининг юқори даражасини сақлаб қолишга интилади.

Судьяларнинг турли ҳудудларда ишлаши уларнинг турли мазмундаги ишларни кўриш ва ҳал этиш бўйича тажрибасини бойитишга ҳам ёрдам беради. Ҳар хил минтақалардаги турли ҳуқуқий муаммолар билан танишиб, судьялар ўзаро касбий малака ошириш ва фикр алмашиш имкониятига эга бўладилар. Бу эса турли мазмундаги низоларни қонуний ҳал этиш ва амалий жиҳатдан ривожланишига ижобий таъсир қилади.

Мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва одил судловни амалга оширишда халқимиз сиёсий партиялардан бугунги кун учун долзарб таклиф-ташаббусларни кутаётгани аниқ. Ана шундай бир вазиятда айрим сиёсий рақибларимиз мазкур йўналишда асослантирилмаган ва саёз ғояларни илгари сураётганлиги бизни ажаблантирмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси дастурида “оилавий низоларни кўриб чиқиш бўйича судьяларни ихтисослаштириш бўйича ишларни давом эттириш” ташаббуси илгари сурилган. Партиянинг мазкур ғояси суд тизимида амалга оширилганлигини назарда тутиб, ўз долзарблигини йўқотган, деб ҳисоблаймиз. Бунинг ўрнига ушбу партия миллий қадриятларга содиқ бўлган ҳолда оилавий низоларнинг олдини олиш билан боғлиқ халққа нафи тегадиган жўяли таклифларни илгари сурса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ИЖТИМОИЙ МАҚБУЛ ЮРИДИК ХИЗМАТ

Партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган **адвокатура ва юридик хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш** ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Адвокатура институтининг ривожланиши фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда энг муҳим омиллардан биридир.

Бу фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан боғлиқ жараёнларда эмас, балки кундалик ҳаётимизда киришадиган ҳар қандай муносабатда малакали юридик хизматдан фойдаланиш имкониятининг яратилиши билан бевосита боғлиқдир. Шу боис, кейинги йилларда мамлакатимизда адвокатура институти фаолиятини такомиллаштириш борасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди.

Партия томонидан ҳам кам даромадли фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатура ва юридик хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш, уларга ҳуқуқий ёрдам ва хизмат кўрсатиш бўйича мақбул тизим яратиш, **бепул маслаҳат берадиган “юридик клиника”лар тармоғини ривожлантириш** таклиф этилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, юридик ёрдам ҳар доим ҳам бепул бўлмайди ва бунга ҳамманинг ҳам имкони бўлмаслиги мумкин. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар 8500 нафар шахсга битта адвокат тўғри келмоқда. Масалан, Германияда ўртача 500 нафар фуқарога 1 та адвокат тўғри келади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакатимизда бепул маслаҳат берадиган “юридик клиника”лар тармоғини ривожлантириш фуқароларга малакали ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатиш ва бу орқали одил судловга эришиш даражасини оширади.

БОЛАЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Жамиятимизда болалар ва хотин-қизларга нисбатан содир этилаётган зўравонлик ҳолатлари ҳали ҳануз учрамоқда. Мавжуд ҳуқуқий механизмлар ушбу ҳолатларнинг олдини олишда, зўравонликдан жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳамда жамиятдаги шунга ўхшаш ҳолатларни атрофлича қамраб олган, дея олмаймиз.

Ушбу масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, дастуримизда **тазйиқ ва зўравонликка учраган болалар ҳамда хотин-қизлар ҳимоясини янада кучайтириш**га қаратилган ғоялар ҳам илгари сурилган.

Амалдаги қонунчиликда фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ҳамда шахсий маълумотлари билан боғлиқ дахлсизликлари белгиланган бўлса-да, ҳозирги вақтда зўравонликка учраган болалар ва хотин-қизлар ҳақидаги маълумот, расм, видеоларни ижтимоий тармоқларда тарқатиш ҳолатлари учрамоқда. Бу эса болалар ва хотин-қизларнинг руҳияти ҳамда келгуси ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, партиянинг **тазйиқ ва зўравонликка учраган болалар ва хотин-қизлар ҳақидаги маълумот, расм, видеоларни ижтимоий тармоқларда тарқатишни тақиқлаш** тўғрисидаги таклифи уларнинг ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида тилга олинган ва бир-бирига узвий боғлиқ бўлган жараёнлар, пировардида қонун устуворлиги ҳамда ижтимоий тенгликни таъминлашга хизмат қилади. Ҳуқуқи бузилган ҳар бир шахс фақат суд орқали ҳимояланиши ва уларнинг одил судловга бўлган ишончини сўзсиз таъминлашга эришиш партиямизнинг асосий мақсадларидан ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, бўлғуси сайловлар натижасида шаклланадиган депутатлик корпусимизнинг ваколатлари ҳамда партиямизнинг барча куч ва имкониятларини ушбу халқчил мақсадларни амалга ошириш йўлида сафарбар қиламиз.


Дилбар МАМАДЖАНОВА,
Мақсуд ҚУРБОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар.

НОМЗОДЛАРИМИЗГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ПАЛЛА ЯҚИН. САНОҚЛИ КУНДАН СЎНГ МАМЛАКАТИМИЗ ФУҚАРОЛАРИ ЭМИН-ЭРКИН ТАНЛАГАН ВА МУНОСИБ ДЕБ ТОПГАН НОМЗОДЛАР ТИМСОЛИДА ЎЗ ТАҚДИРИ УЧУН, КЕЛАЖАГИ УЧУН ОВОЗ БЕРАДИЛАР.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ХАЛҚ ВАКИЛЛИГИГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР ПАРТИЯНИНГ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИНИ АҲОЛИ КЕНГ ҚАТЛАМИГА ЧУҚУР ЕТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИМИЗДАГИ МУАММОЛАР ЕЧИМИГА ОИД ТАКЛИФ-ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРАЁТГАНИ ЧИНДАН ҲАМ ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚДИР.

ҚУЙИДА КЕЛТИРИЛГАН НОМЗОДЛАРИМИЗНИНГ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ БУНИ ЯНА БИР БОР ТАСДИҚЛАЙДИ.



АҲОЛИ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МАНФААТИ УЧУН



18-ОКРУГ, Жиззах

ЎРАЗАЛИЕВА Муқаддас, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

— Маълумотларга кўра, мамлакатимизда атмосферага чиқадиган зарарли чиқиндиларнинг 60 фоизи автомобиллар ҳиссасига тўғри келар экан. Янада таассуфлиси, бу рақам айнан пойтахтимизда салкам 90 фоизга яқинлашган. Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида ҳаво сифатининг ёмонлашиб бораётгани, бу инсонлар саломатлигига асосий таҳдидлардан бирига айлангани сир эмас.

Тадқиқотлар метан (табиий газ) автомобиллар учун бензинга нисбатан экологик жиҳатдан тоза ёнилғи эканини кўрсатади. Метан бензинга нисбатан 25 фоиз камроқ углерод гази, 60 фоиз камроқ азот оксиди ва 90 фоиз камроқ углеводород чиқаради. Бундан ташқари, ер ва сувни ифлослантирадиган олтингугурт, қўрғошин ва бошқа оғир металлар бўлмайди. Шунга кўра кун сайин аҳоли ихтиёрида кўпайиб бораётган шахсий автоуловларнинг бензиндан кўра, газ ёқилғисига ўтиши, қолаверса, электромобиллар умумий автопаркнинг салмоқли қисмини ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Бугун мамлакатимиз аҳолиси газ ёқилғисини бензиндан афзал билаётганига яна бир сабаб унинг нисбатан арзонлиги бўлиб, автомобиль харажатларини камайтиришга имкон беради. Бироқ танганинг яна бир томони борки, бу техник хавфсизлик масаласига дахлдор. Чунки ҳали-ҳамон йўлларимизда газ баллонлари ўрнатилган транспорт воситаларида портлаш ва ёнғин чиқиш ҳолатлари юз бераётир. Ачинарлиси, бунинг оқибатида жиддий жароҳатланган ва ҳалок бўлган фуқароларимиз бор.

Одамларимизнинг автотранспорт воситаларига газ баллони ўрнатишнинг тартиби, қонун-қоидаси ва белгиланган меъёрларига амал қилмаслик, уларни билмаслик ёки менсимаслиги мана шундай нохуш ҳодисаларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларида газ баллонларини тўлдиришда белгиланган талаб ва тартибларни бузиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Одатда газ баллон ишлаб чиқарувчи корхоналар ускунага 15 йил кафолат беришса-да, кўп ҳолларда баллонлар бир неча йилда яроқсиз бўлиб қолмоқда. Боиси, баллонга меъёридан ортиқ газ қуйиш босимни оширади ва охир-оқибат портлашга сабаб бўлади. Автотранспорт воситаларига ноқонуний газ мосламасини ўрнатиш ва уларни ўз вақтида техник кўрикдан ўтказмаслик ҳолатлари йилдан-йилга кўпайиб бораётгани ҳам бор гап.

Сиқилган табиий газ автотранспорт эгалари учун энг арзон ва муқобил ёқилғи бўлгани учун ҳам аҳоли газ баллони ўрнатишдан манфаатдор. Ана шу газ баллонларини автомобилларга ўрнатиш ва тегишли ускуналарни синовдан ўтказиш билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари фаолияти устидан эса таъсирчан назорат юритишни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Халқ демократик партияси ўз Сайловолди дастурида аҳоли хавфсизлиги ва манфаати нуқтаи назаридан ушбу масалани эътибордан соқит қилмаган. Жумладан, автомобилларга сиқилган табиий газ баллонларини ишлаб чиқариш, ўрнатиш, мамлакатга олиб киришдан эксплуатациягача бўлган даврий техник текширувлар, синовлар билан боғлиқ барча жараёнларни тезроқ рақамлаштиришга урғу берилган. Бундан ташқари, партиямиз транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказишда давлат назоратини амалга ошириш тартибини жорий этишни зарур, деб ҳисобламоқда.

Баъзи тадбиркорлик субъектлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга тегишли транспорт воситаларига мажбурий техник кўрикдан ўтгани тўғрисида қалбаки далолатномалар бериш ҳолатларига узил-кесил нуқта қўйиш учун ҳам бу жараёнда самарали ва соат милларидек аниқ ишлайдиган давлат назорати керак.

ДАВЛАТ ИШТИРОКИ КЕРАК



3-ОКРУГ, Қорақалпоғистон

ҚАЙЫПНАЗАРОВ Жалғасбай, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

-Партиямиз Сайловолди дастурида аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ушбу соҳада давлат иштирокини кучайтириш, шу жумладан, давлат иштирокидаги қишлоқ хўжалиги ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш ташаббуси илгари сурилмоқда. Айни чоғда маҳаллий бюджет маблағлари ва хусусий инвестициялар ҳисобига импорт ўрнини босадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёждаги бошқа товарларни ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳам аҳамият қаратилган.

Хўш, бу нима учун керак? Мазкур ташаббус замиридаги мақсад ва сабабларни нималарда кўрамиз? Келинг, шу ҳақида тўхталиб ўтсам.

Биламизки, озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи замонавий дунё учун жиддий муаммо тусини олмоқда. Демографик ўсиш, иқлим ўзгаришлари, иқтисодий инқирозлар ва сиёсий можаролар сабаб бу масала янада долзарблашган.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) маълумотларига кўра, 2050 йилгача жаҳон аҳолиси учун озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳозиргидан яна 50 фоизга кўпроқ бўлиши керак. Зеро, ҳозирги кунда ҳам аҳолиси қашшоқлик ва бунинг ортидан очарчиликдан жабр кўраётган мамлакатлар оз эмас. Қурғоқчилик, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар кўплаб минтақаларда озиқ-овқат хавфсизлигини жиддий хавф остига қўяётгани маълум. Ер, сув каби бебаҳо табиий ресурслардан фойдаланишда тежамкорлик ва инновацион ёндашувларга асосланган технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш эса ҳамма давлат учун озиқ-овқат саноатида биринчи галдаги вазифа ҳисобланмоқда.

Юртимизда ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш миллий стратегиянинг асосий йўналишига айланган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш соҳаларини ривожлантиришга устувор эътибор қаратиляпти. Ҳукумат бу борада хусусийлаштириш ва деҳқончиликни рағбатлантириш чораларини кўрмоқда. Сув етишмаслиги, қурғоқчилик шароитларида ҳосилдорликка эришиш учун илмий тадқиқотлар ва инновацион технологияларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватламоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти ва импорти ҳажмлари ўртасида ижобий балансни таъминлашга интилмоқда. Бироқ сон жиҳатидан тез ўсиб бораётган аҳолининг арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига талаби юқорилигича қолмоқда. Айниқса, қиш ва баҳор мавсумида бу турдаги маҳсулотлар нархи кўтарилиб кетиши, сунъий тақчилликлар одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлади.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида ХДП озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотида давлат иштирокини кучайтиришни зарур, деб билади. Давлат иштирокидаги қишлоқ хўжалиги ташкилотларини ташкил этиш эса мева-сабзавот, дон, гўшт-сут маҳсулотлари каби доимо талабгир бўлган неъматларни етиштириш ҳажмини оширишга хизмат қилади. Импорт ўрнини босадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёждаги бошқа товарларни ишлаб чиқаришни ҳудудлар кесимида жадал ривожлантириш ҳам кун тартибидаги муҳим масалалар сирасига киради.

ИНСОН ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИ ДАХЛСИЗДИР



22-ОКРУГ, Наманган

ТУРҒУНОВА Шохиста, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

-Илм-фан ва техниканинг мисли кўрилмаган даражада тараққий этиши инсон закосининг улкан ютуғидир. Яшаш тобора қулайлашиб, моддий-социал имкониятлар ортиб бораётган бугунги кунда инсоният учун маънавий-руҳий барқарорликка раҳна солувчи омиллар ҳам, афсуски, кўпаймоқда. Ахборот ва маълумот олиш ҳамда алмашишнинг энг қулай, осон усули ҳисобланган Интернет ва ижтимоий тармоқлар баъзи ҳолларда кимларнингдир хотиржам ҳаётини издан чиқариб юбориши, баъзан яна кимлар учундир маънавий-руҳий таҳдид воситасига, қарични каттароқ олсак, ғаразли кимса ёхуд тўдаларнинг ахборот хуружлари манбаига айланиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди. Бунга ҳаётий мисоллар, далиллар кўп.

Тазйиқ ва зўравонликнинг турли шаклларига дуч келган болалар ҳамда аёллар ҳақида маълумотлар, сурат ва видеолар ижтимоий тармоқларга тарқалишида ҳам ана шундай хатарни кўрамиз.

Оилада ва жамиятда болаларнинг, хотин-қизларнинг жисмоний, руҳий, маънавий томонлама тазйиқлар, инсоний қадр-қимматни камситиш ҳамда топташнинг энг оғир тури бўлган зўравонликлардан жабр кўраётгани глобал муаммолар қаторига киради. UNICEFнинг келтиришича, дунё миқёсида 2 ёшдан 4 ёшгача бўлган болаларнинг ярмидан кўпи оилада психологик зўравонлик ёки турли жисмоний жазолар билан тўқнаш келмоқда. Ҳар дақиқада бир ўсмир зўравонлик ортидан ҳалок бўлаётир.

Кўриб турибмизки, рақамлар кичик эмас ва жуда хавотирли. Шунинг ўзиёқ аҳолининг кўмак ва ғамхўрликка муҳтож қатлами бўлган болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликлар ҳар бир давлат ва жамиятни четлаб ўтмаётганини англатади. Бундан ташқари, тазйиқ, жисмоний шикаст етказиш, одам савдоси, иқтисодий ва жинсий эксплуатация, эрта ва исталмаган никоҳлар кўплаб мамлакатларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказмоқда.

Хусусан, ўтган йили юртимизда тазйиқ ва зўравонликка учраган 40 минг нафардан ортиқ хотин-қизга ҳимоя ордери берилган. Оилалар мустаҳкамлигини сақлаш мақсадида ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида 17 минг 327 та оила ярашган, оилавий муаммолар ва зўравонликка дуч келган 1 минг 450 нафар хотин-қиз Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига жойлаштирилган.

Таъкидлаш ўринлики, тазйиқ ва зўравонликнинг барча кўринишларига қарши курашиш учун комплекс профилактика ва жабрланганларни қўллаб-қувватлаш йўлида мамлакатимизда сезиларли қадамлар қўйиляпти. Мана, масалан, шу ҳафта бошида Президент томонидан имзоланган Қонунга кўра, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга болаларга нисбатан оилавий зўравонлик содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилди.


Назаримизда, болалар, шунинг баробарида аёлларнинг турли зўравонлик қурбони ёки жабрдийдаси бўлиб қолмаслиги учун бундай ҳуқуқий-ташкилий чора-тадбирлар янада изчил давом этмоғи лозим.

Халқ демократик партияси ҳам янги сайловлар олдидан галдаги беш йил учун мўлжалланган дастурига тазйиқ ва зўравонликка учраган болалар ва хотин-қизлар ҳақидаги маълумот, сурат ва видеоларни ижтимоий тармоқларда тарқатишни қатъиян тақиқлаш таклифини киритгани бежиз эмас. Бундай тақиқ ана шу жабрдийда болалар ва аёллар руҳияти ҳамда келгуси ҳаётига турли салбий таъсирларнинг олдини олади.

Сўнгги пайтларда оилада, мактабда ёки бошқа тарбия муассасаларида камситиш ва тажовузкорлик ҳолатларига дуч келган болалар, оилада яқин инсонлари томонидан хўрланган, калтакланган аёллар (асосан келинлар) ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар у ёқда турсин, ҳатто уларнинг яққол сурати ва видеолари ҳам яшин тезлигида ижтимоий тармоқларда тарқалиши кузатилмоқда. Бу эса жабрдийдалар учун қайсидир маънода яна бир зарба аслида.

ХДПнинг юқоридаги таклифи инсон шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлигига соя соладиган ушбу ҳолатларга умуман йўл қўймасликни кўзда тутади.

ЯНГИ ДАВР ТАЛАБИ



63-ОКРУГ, Қашқадарё

ФАРМОНОВ Жасур, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

- Куни кеча юртимиз бўйлаб Ўзбек тили байрами, яъни, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 35 йиллиги юқори кўтаринкиликда нишонланди.

35 йил – бу оз муддат эмас. Бир инсоннинг туғилиб, вояга етиб, айни камолотга етган даврига қиёс қилиш мумкин бу муддатни. Тўғри, ўтган йиллар ичида миллий қадриятимизнинг узвий қисми бўлган она тилимизни безавол сақлаш, ардоқлаш йўлида кўп ишлар қилинди. Ўзбек тилини давлат тили сифатида ривожлантириш, унинг нуфузи ва мавқеини ошириш, халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга жиддий ёндашилмоқда.

Мисол учун, кейинги йилларда кўплаб идоравий ҳужжатлар давлат тилига ўтказилди, 100 мингдан ортиқ географик объектнинг номи давлат реестрига киритилди, ҳудудлардаги 150 мингдан зиёд ташқи ёзувлар давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилди. Янги пайдо бўлаётган замонавий тушунчаларга ном бериш, сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритишни тизимли йўлга қўйиш учун Атамалар комиссиясининг фаолияти тубдан такомиллаштирилди, бу борада аниқ илмий мезонлар ишлаб чиқилди. 2023 йилдан эътиборан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини лингвистик экспертизадан ўтказиш тизими яратилди. Давлат тили асосларини чуқур ва атрофлича ўрганишни таъминлаш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан 58 номдаги қомус, луғат ва қўлланмалар кўп минг нусхаларда чоп этилди.

Лекин ўзбек тилининг беқиёс имкониятларини юзага чиқариш, унинг жаҳон миқёсида нуфузи ва жозибадорлигини ошириш учун ҳали олдимизда турган вазифалар ҳам етарлича. Бугунги кунда “оқсаб” турган таржимашунослик соҳасини янги босқичга чиқариш шулар жумласидандир.

Албатта, эътибор берсак, бадиий таржимачилик йўналишида диққатга молик натижалар кўзга ташланмоқда. Китоб дўконларига ёки кутубхоналарга кирсангиз, таржимонларимиз томонидан ўзбек тилига ўгирилган жаҳон адабиёти дурдоналарини кўриб, қувонасан киши. Ўз навбатида улуғ шоир ва ёзувчиларимизнинг, алломаларимизнинг асарлари хориж тилларига пешма-пеш таржима қилинаётгани ҳам мамнуният бағишлайди. Аммо илмий-тадқиқот соҳасида ўзбек таржима мактаби яратилди, дея олмаймиз. Чет давлатлардаги жаҳон миқёсида нуфузли бўлган нашрларда чоп этилган илмий мақолалар ва бошқа материалларни ўзбек тилига ўгириш ва, аксинча, ўзбек олимларининг илмий изланишлари маҳсулини дунёга танитиш учун ҳали анча-мунча ишлар қилиниши керак, бизнингча.

Партиямизнинг Сайловолди дастуридан ўрин олган яна бир ғоя - хорижий мамлакатларда нашр этилган йирик илмий-тадқиқот натижаларини ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда педагоглар ва тадқиқотчилар учун очиқ ресурсларда жойлаштириб боришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган тизимини жорий этиш шу жиҳатдан айни муддао ҳисобланади.

Бунинг мантиқий давоми сифатида олий таълимдан кейинги босқичда илмий-тадқиқотчилар учун турли бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, соҳани рақамлаштириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, далолатнома ва маълумотнома олиш, авторефератни нашр этиб тарқатиш каби жараёнларни соддалаштириш билан боғлиқ таклиф ҳам ўзбек тилида илмий фаолият ва илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда ўзига хос рағбат бўлади.



ТАРҒИБОТ

ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА ФАОЛ

Сайловга саноқли кунлар қолди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан тарғибот тадбирлари республикамизнинг барча ҳудудларида, аҳолининг кенг қатлами вакиллари орасида доимий равишда олиб борилмоқда. Хусусан, партиямиздан кўрсатилаётган номзодлар ва фаолларимиз маҳалла гузарлари, аҳоли турар жойлари, хонадонларда бўлиб, партия ғоялари, мақсадлари ва ўз олдига қўйган вазифалари билан таништирмоқда. Уйма-уй юриб олиб борилаётган тарғибот тадбирлари кенг аҳоли қатлами томонидан фаол қўллаб-қувватланмоқда.

Шундай тарғиботлардан бири Фарғона вилоятида бўлди. Унда Халқ демократик партиясидан 45-Заркент сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига номзод Гуландом Асқарова, вилоят Кенгашига номзодлар Анвархон Набиев, Рўзибу Тўхтаматова, туман Кенгаши номзодлари Дилбархон Тўйчиева, Элёржон Ўлмасбеков, Махфузахон Темирова ва Жаҳонгир Умарбековлар партиянинг Сайловолди дастурларида илгари сурилаётган энг муҳим ғоя ва ташаббусларни уйма-уй юриб сайловчиларга тушунтириб беришди.

Улар Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманидаги “Гузарбоши”, “Найман”, “Учолиш”, “Чек”, “Меҳнатобод”, “Хўжаариқ”, “Қуйи Яккатут” ва “Садда” маҳаллаларида бўлиб, сайловолди ташвиқоти доирасида хонадонларда учрашувлар ўтказиб ўзларининг Сайловолди дастурини сайловчилар эътиборига ҳавола қилишди.

Халқ демократик партияси Бухоро туман Кенгаши депутатлигига номзод Алланазарова Дилноза туманнинг “Наврўз” маҳалласидаги фуқаролар хонадонларида бўлиб, партия Сайловолди дастуридан ўрин олган таклиф ва ташаббусларнинг мазмун-моҳиятини уларга етказди. У сайловчилар билан учрашувлар давомида дастурдаги таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги йўналишларидаги мақсадлар ҳақида сўз юритиб, сайловчиларни сайловда фаол бўлиб, Халқ демократик партиясига овоз беришга чақирди.

Сурхондарё вилоят Қизириқ туман Кенгаши масъуллари тумандаги “Янги кент” маҳалласида яшовчи аҳоли хонадонларида уйма-уй юриб партиянинг янги Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар ҳақида атрофлича сўз юритиб, давлат ва жамиятни ривожлантириш, ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритишга оид кўплаб таклиф ва ташаббуслар илгари сурилгани тўғрисида батафсил тушунчалар бериб, фуқароларни сайловда фаол бўлишга чақиришди.

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 30-Қўшдарё сайлов округидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига номзод Д.Акбарова ва туман Кенгашига кўрсатилган номзодлар “Паландара” маҳалласидаги сайловчилар билан хонадонма-хонадон юриб учрашувлар ташкил этишди.

Учрашувда партиянинг стратегик 15 қадамдан иборат Сайловолди дастурида белгиланган ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларини юзага чиқаришга қаратилган вазифалар ҳақида маълумот беришди.

Шунингдек, номзодлар барчани сайловда фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва унинг номзодларига овоз беришга чақиришди.

Биз қуйида баъзи сайловчиларнинг бу йилги сайлов жараёнларига нисбатан билдирган фикрларини ҳам келтириб ўтамиз.

Хондамир ЭРКИНОВ,
ижтимоий соҳа вакили:

— Бу йил парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайлов бўлиши ҳақида ҳабарлар чиқа бошлагандан одамларнинг “сайлов бу йил бошқача бўлар экан”, деган гаплари қулоғимга кўп чалинди. Бу ўз-ўзидан менда қизиқиш уйғотди. Шундан кейин партияларнинг тарғиботларини мунтаззам кузатиб турдим. Очиғини айтай, ростдан ҳам бу сайловга ҳамма партия яхши тайёрланганига амин бўлдим. Бир ўқиганимда сайловлар аралаш усулда бўлишини билиб, бу қанақа бўлар экан, деб ҳайрон қолгандим. Менда савол ҳам пайдо бўлди. Лекин Халқ демократик партиясининг тарғибот тадбирларида қатнашиб саволимга жавоб олдим. Партия вакиллари менга янги сайлов тизими ҳақида атрофлича тушунчалар беришди.

Ўйлаб қаралса, аралаш сайлов тизими ростдан ҳам қизиқроқ ва биз учун янгилик. Янги нарсаларга одамлар қизиқади. Бу инсонга хос одат. Биз олдинги сайловларда фақат номзодларга овоз берар эдик. Ким кўпроқ овоз олса ўша депутат бўлар эди. Яъни, жуда содда тизим эди. Лекин энди партияларга ҳам овоз беришимиз керак. Табиийки, бунинг учун сайловчилар партиялар дастури билан танишади, уларнинг рўйхатида кимлар борлигига қизиқишади. Хуллас, жараён қизғин кечади. Партиялар йиққан овозига қараб парламентдан жой олади. Қайси партия қанча овоз йиққани, йиққан овозига нечта жой олиши ҳамма учун қизиқ жараён. Кузатиб турсак, овоз бериш якунига етиб, ҳисоблаб чиқилгандан кейин қайси партия кўпроқ жой олганини билиб оламиз.

Мен сайловда Халқ демократик партиясига овоз бераман. Чунки уларнинг дастурларида оддий инсонлар ҳаётини яхшилашга қаратилган ташаббуслар жуда кўп.

Акбар НУРМАТОВ,
банк ҳодими:

— Менга ушбу сайловнинг энг ёққан томони сиёсий дебатлар бўлди. Жонли эфирда сиёсий партияларнинг ўз қарашлари ва ғояларини ҳимоя қилиб бир-бири билан кураш олиб бориши ҳаммага ёқмоқда. Бундай жараёнлар кўпроқ бўлса, одамларда сиёсий партиялар нимани тарғиб қилаётгани, нимани ваъда бераётгани ҳақида аниқ тасаввур пайдо бўлади. Бу жуда муҳим. Чунки биз сайловчилар қайси партияга овоз беришимизни шу орқали аниқлаб оламиз.

Ахир биз кўр-кўрона, “мана бу номзоднинг кўриниши яхши экан”, ёки “мана шу партиянинг номи менга ёқти”, деб овоз берадиган даврдан аллақачон ўтиб бўлдик. Кўриб турибмиз, ҳамма йўналишда катта ислоҳотлар олиб борилмоқда. Шундай экан, биз сайловчилар ислоҳотларни қўллаб-қувватлашимиз учун ҳам фаол бўлишимиз, сиёсий ҳаётда нима бўлаётганини яхши англашимиз керак. Буни давр талаб қилмоқда.

Шахсан ўзим шу дебатларни қолдирмасадан кўриб бораяпман. Айниқаса, Халқ демократик партиясининг чиқишлари менга кўпроқ манзур бўлмоқда. Уларнинг ғояси ҳаётга яқиндек, шу давр талабларига тўлиқ жавоб берадигандек таассурот уйғотди. Мен сайловда Халқ демократик партиясини қўллаб-қувватлайман.

Малоҳат ЮНУСОВА,
уй бекаси:

— Тарғибот-ташвиқот жараёнлари қизғин кечмоқда. Партиялар сайловчиларни ўз томонига ўтказиш учун уйма-уй юрганига гувоҳ бўлдим. Улар маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб одамларга ўзларининг дастурини тушунтириб беришмоқда. Партияларнинг бу фаоллиги одамларга ҳам маъқул келмоқда. Энди одамлар “Бизнинг овозимиз ҳам муҳим экан”, деб айтиб юрибди. Партиялар ўзларининг дастурларини одамларга обдон тушунтириб беришмоқда. Нимани мақсад қилганликларини айтиб беришяпти.

Тан олайлик, уйма-уй юриш ғояси кўпчилликни фаол бўлишга ундамоқда. Чунки одамлар уйларида туриб партиялар сайловда нимани ваъда қилаётганини билиши мумкин. Бу кўчага чиқишга қийналиб қолган ёши катта кексаларимиз ёки бўлмаса тўшакка михланиб қолган одамлар учун ҳам айни муддао.

Яқинда менинг уйимга Халқ демократик партияси вакиллари келишди. Улар ўз дастурларини менга эринмасдан тушунтиришди. Менга уларнинг ғоялари маъқул келди. Сайловда ҳам шу партияга овоз берман.

Элдор САЙДУЛЛАЕВ,
талаба:

— Бу галги сайловолди жараёнлари янгича ёндашувлар, яхши ташаббуслар, жонли учрашувларга бой бўлмоқда. Яқинда вилоятимизда Халқ демократик партиясининг жуда катта тадбири бўлиб ўтди. Партия вакиллари Сайловолди дастурини содда ва равон тилда йиғилганларга таништирди. Бу кўпчиликда яхши таассурот уйғотди. Шахсан ўзимда ҳам. Шундан бери Халқ демократик партиясига овоз бериш ҳақида ўйлаяпман.

Тўғриси, очиқ осмон остида, унчалик кўп одам йиғилганини ҳали кўрмаганман. Баъзи-баъзида терма жамоа ўйнаётганда футбол стадионларимизда шунча одам йиғилади.

Сайловчилар билан юзма-юз, очиқ мулоқот муҳитидаги бундай форматдаги учрашув биринчи марта бўлди, назаримда. Бу жуда яхши ташаббус, деб ўйлайман. Минг-минглаб инсонлар бир жойда йиғилиши, мамлакат тараққиётига ҳизмат қиладиган сайловнинг моҳиятини англаши, ўзларини шу жараённинг ажралмас қисми сифатида билиши менимча катта воқелик.

Ўша учрашувда иштирок этган фуқаро сифатида айтишим мумкинки, бу бизни жипслашишга, сайловчи сифатида масъулиятли бўлишга чорлади.

Ҳаммангизни сайловда фаол бўлишга чақираман.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси учун ҳар бир сайлов халқимизга хизмат қилиш имкониятидир. Барча сайловчиларни партиямизнинг дастурлари билан яқиндан танишишга, бизни қўллаб-қувватлашга ва албатта, сайловда фаол иштирок этишга чақирамиз!

Яқинда менинг уйимга Халқ демократик партияси вакиллари келишди. Улар ўз дастурларини менга эринмасдан тушунтиришди. Менга уларнинг ғоялари маъқул келди. Сайловда ҳам шу партияга овоз берман.





Кўчмас мулк бозорида ВАЗИЯТ ҚАНДАЙ?



МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ 2024 ЙИЛ I ЯРИМ ЙИЛЛИК УЧУН МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ШАРҲИДА МАЪЛУМ ҚИЛИНИШИЧА, МАМЛАКАТИМИЗДА УЙ-ЖОЙ НАРХИ ЮҚОРИЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА. КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИДА НАРХЛАР ИШ ҲАҚИГА НИСБАТАН 1,8 БАРАВАР ТЕЗРОҚ ЎСМОҚДА ВА БУ КЕЛАЖАКДА НАРХЛАРНИНГ ПАСАЙИШИ ХАВФИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ РЕГУЛЯТОР.

ШУ БИЛАН БИРГА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРДА УЙ-ЖОЙ НАРХЛАРИНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИДАГИ ФАРҚ ҲАМ ОШГАН. БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛ ЯКУНИДА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ КЎЧМАС МУЛК 2023 ЙИЛНИНГ ШУ ДАВРИГА НИСБАТАН 44 ФОИЗГА, ДОЛЛАРДА ЭСА 23 ФОИЗГА ҚИММАТЛАШГАН.

Уй-жой нархлари нофундаментал омиллар (реал иқтисодий шароитлар билан боғлиқ бўлмаган) туфайли юқори даражада шаклланмоқда. Уй-жой нархларининг шаклланишида қурилиш-монтаж ишлари нархлари ортишининг таъсир даражаси камайиб бораётгани кузатиляпти. Хусусан, қурилиш ҳажмининг ЯИМга нисбати 2024 йил I ярим йиллиги якунида 14 фоизни ташкил этиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 0,5 фоиз бандга камайган. Шунингдек, 2024 йил 1 июль – 2023 йил 1 июль давр оралиғида қурилиш-монтаж ишлари нархи 4 фоизга ўсган. Юқори уй-жой нархлари юқори талабни ва кўчмас мулк бозорида мавжуд таклиф номутаносиблигини сақлаб қолади.

Марказий банк юқори баҳоланган уй-жой нархларидаги тузатишлар хавфи сақланиб қолишини, яъни, реал иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда фундаментал, объектив қийматга яқинроқ бўлган уй-жой нархининг янада барқарор даражага тушиши эҳтимолини назарда тутмоқда. Айни чоғда уй-жой нархларининг ҳозирги ўсиши барқарор эмаслиги ва келажакда уларнинг янада мувозанатли даражага қайтиши эҳтимоли борлиги ҳақида огоҳлантирмоқда.

Жорий йил 1 июль ҳолатига кўра, уй-жой нархлари йиллик ўсиш суръатининг ижара ҳақининг ўсиш суръатига нисбати 3,4 ни ташкил этди. Ўз навбатида 2024 йил II чорагида уй-жой нархлари ва ижара ҳақлари йиллик ўсиш суръатларининг ўзаро нисбати пасайган бўлса-да, ушбу кўрсаткич юқори ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, уй-жойга инвестиция сифатида қарайдиган кўчмас мулк бозори иштирокчилари ижара даромадидан кўра нарх ўзгаришидан кўпроқ фойда кутмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг демографик кўрсаткичлари кўчмас мулк бозорида юқори талабнинг сақланиб қолишини кўрсатмоқда. 2024 йилнинг I ярим йиллиги якунига кўра, Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси йиллик ҳисобда 2,1 фоизга ошиб, 37,1 миллион кишини ташкил этган.

Бироқ кўчмас мулк бозоридаги фаоллик бироз камайган. Биринчи ярим йилликда нотариал идораларда кўчмас мулк олди-сотдиси бўйича 160 мингта битим тузилган ва бу кўрсаткич 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 3,3 фоизга камайган.

Уй-жой бозоридаги фаолликнинг пасайиши аҳолининг харид қобилияти даражаси билан боғлиқ бўлиши мумкин, дея қайд этади Марказий банк. Бундан ташқари, биринчи ярим йил якунларига кўра, ҳар минг кишига тўғри келадиган ипотека кредити олувчилар сони 10 нафарни ташкил этган. Бу 2023 йилга нисбатан 9 фоизга кўп. Ипотека кредитига эга аҳолининг паст улуши келажакда ипотека кредитлашни кенгайтириш ҳисобига кўчмас мулк бозорида қўшимча талабни юзага келтириши мумкин.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, кредитга уй-жой сотиб олиш бирмунча қийинлашган. Аҳоли учун ипотека уй-жойлари мавжудлиги бироз камайган. Уй-жой нархининг ошиши фонида биринчи ярим йилликда берилган ипотека кредитлари ҳажми ошган. Бундай кредитларнинг бир кишига ўртача ҳажми 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 25 фоизга ошиб, жорий йилнинг биринчи ярмида берилган ипотека кредитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 19,7 фоизни ташкил этган. Бу 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 1 фоиз пунктга юқори ҳисобланади.

Ипотека кредитлаш ҳажмининг ўсиши, шунингдек, кредитлар қисқароқ муддатга берила бошлагани сабабли (банкларда ўртача тўлов муддати 18 йилдан 17 йилгача қисқарди) ойлик ипотека тўловлари 22 фоизга ошган. Мамлакатда иш ҳақи ҳам ошган бўлса-да, ипотека тўловларининг ўсиши даромадлар ўсишидан тезроқдир. Бу омиллар қарз олувчиларнинг тўлов ҳамда ипотека ёрдамида уй-жой сотиб олиш қобилиятини камайтириши мумкин.

Хулоса шуки, мамлакатимиз аҳолисининг уй-жой сотиб олиш қобилияти индекси пасайиб бормоқда.

Маълумот учун, аввалроқ Марказий банк Ўзбекистон ҳудудларида аҳолининг ўртача иш ҳақи ва уй-жой нархларини таққослаган эди. Энг қиммат уй-жойлар Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида кузатилган. Деярли барча ҳудудларда аҳолининг харид қобилияти ёмонлашган.

ЖАҲОН БАНКИ:

Ўзбекистон учликка кирди



Жаҳон банки томонидан Европа ва Марказий Осиё минтақаси иқтисодиёти бўйича ҳисобот эълон қилинди. Ҳисоботда таъкидланишича, бир қатор инқирозлардан сўнг ушбу минтақадаги ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсиш барқарорлашаётганига қарамасдан кўрсаткичлар 2000 йиллар бошига нисбатан анча паст даражада қолмоқда.

Жаҳон банки 2024 йилда Европа ва Марказий Осиё минтақасида ЯИМнинг энг юқори ўсиши Грузия, Тожикистон ва Ўзбекистонда кузатилаётганини қайд этган.

Прогнозларга кўра, 2024 йилда Европа ва Марказий Осиё минтақасида иқтисодий ўсиш 2023 йилдаги 3,5 фоиздан 3,3 фоизгача секинлашиши, 2025 йилда эса бу кўрсатгич 2,6 фоизгача тушиши тахмин қилинган эди.

Жаҳон банки минтақа мамлакатлари юқори даражадаги инфляция, Россиянинг Украинага бостириб кириши оқибатлари ва Европа Иттифоқида, минтақанинг асосий экспорт бозорида иқтисодий фаоллик даражасининг секин ўсиши ортидан юзага келган сўнгги шокларни муваффақиятли енгиб ўтганини қайд этди.

Ҳозирда Европа ва Марказий Осиёнинг ривожланаётган мамлакатларида иқтисодий ўсиш учун асос иш ҳақининг ошиши, аҳолига давлат тўловлари ва инфляциянинг секинлашувига таянувчи хусусий истеъмол бўлиб турибди.

Пул ўтказмалари оқими ҳам Covid-19 пандемияси бошланишидан олдинги кўрсатигичлардан ошган. Келтирилишича, ўтказмалар Ғарбий Болқон, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий ўсишга маълум даражада ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, 2025 йил бўйича қилинаётган прогнозлар Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотнинг 5,8 фоизга ўсиши ҳисобига минтақада иқтисодий ўсиш кўрсатгичлари бўйича етакчи ўринга чиқиб олиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

АҲОЛИНИНГ ҚАРЗ ЮКИ ДАРАЖАСИ АНИҚЛАНДИ

2024 йил 12-24 июль кунлари Марказий банк томонидан аҳолининг жами қарз юки даражасини аниқлаш мақсадида навбатдаги сўровнома ўтказилган. Ушбу сўровномада Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан жами 2 минг 503 нафар респондент иштирок этган. Сўровномада аҳолининг банк ва банкдан ташқари манбалар орқали юзага келган қарз мажбуриятлари ҳисобга олинган. Сўровномада оила аъзолари сони 4 ёки 5 кишидан иборат бўлган респондентларнинг улуши 50 фоиз бўлиб, асосан молия, таълим, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда фаолият юритадилар.

Доимий меҳнат фаолияти бўйича ўртача ойлик даромади 12 миллион сўмгача бўлган респондентларнинг улуши 75 фоизни ташкил этган. Шунингдек, жами респондентларнинг тўртдан бир қисми қўшимча даромад манбаига эга. Уларнинг 77 фоизида 6 миллион сўмгача қўшимча даромади мавжудлиги қайд этилган. Шунингдек, респондентларнинг 80 фоизи ўзи ёки оила аъзоларидан бирида банк ёки банкдан ташқари кредит ёки қарз мажбуриятлари борлигини баён этишган. Бундан ташқари, 72 фоизи банклардан қарздорлигини маълум қилган.

Респондентлар томонидан банк ва банкдан ташқари кредит ва қарз мажбуриятлари асосан уй-жой сотиб олиш ёки таъмирлаш, автомобиль ва истеъмол товарларини харид қилиш мақсадида жалб қилинган. Ўз навбатида 27 фоизида банк ёки банкдан ташқари қарз мажбуриятлар бўйича ойлик тўловлар қиймати 2-4 миллион сўм оралиғида жойлашган. Шунингдек, 70 фоиз респондентларнинг жами қарз мажбуриятлари бўйича ойлик тўлов миқдори 6 миллион сўмдан камлиги қайд этилган. Сўндириш муддати 5 йил ва ундан юқори бўлган узоқ муддатли қарз мажбуриятлари 31 фоизни, 2-3 йиллар оралиғида сўндирилиши керак бўлгани эса 26 фоизни ташкил этмоқда.

Респондентларнинг 64 фоизи кредит ёки қарзларни ўз вақтида қайтаришда қийинчиликларга дуч келаётганини яширмаганлар. Шунингдек, қарз мажбуриятларига эга респондентларнинг 46 фоизи кейинги олти ой давомида тўлов қобилиятининг яхшиланишини, 42 фоизи ўзгармаслигини кутишмоқда. Галдаги ярим йил ичида ўзи ёки оила аъзолари кредит ёки қарз олишни режалаштирмаётган респондентлар 60 фоиздан ошиқдир. Аксинча, шу муддат давомида кредит ёки қарз олишни режалаштирган респондентларнинг 44 фоизи уй-жой сотиб олиш ёки таъмирлаш, шунингдек, автомобиль харид қилишни кўзламоқда. Банкдан қарздор респондентларнинг банкдан ташқари қарз мажбуриятларини ҳам ҳисобга олган ҳолдаги жами ўртача қарз юки даражаси 73 фоизни ташкил этган. Қарз юки даражаси тақсимотига кўра, банкдан қарздор респондентларнинг тўртдан бир қисмида қарз юки даражаси 80 фоиздан юқори шаклланган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, “Ўзбекистон овози” мухбири.

ТИЛИМ-ТИЛИМ БЎЛМАС ТИЛИМ

Тилнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз кетганда Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Дағистоним» асаридаги бир парча ёдимга келаверади. Ўз юртини ташлаб, ўзга юртда яшаётган рассом ҳақидаги ҳикоя жуда таъсирли баён этилган. Адиб Парижда ўша рассомни учратиб, у билан анча вақт суҳбатлашади ва юртига қайтгач, рассомнинг онасига фарзанди тўғрисида гапириб беради.

“Шунда бирдан онаси сўраб қолди:

– Сизлар аварча сўзлашдингларми?

– Йўқ, биз таржимон ёрдамида гаплашдик. Мен русча гапирдим, у французча.

Она юзига қора чодрасини туширди. Уйнинг томига ёмғир томчиларди. Биз Аваристонда ўтирардик. Эҳтимол, ҳозир дунёнинг нариги четидаги Париж шаҳрида Дағистоннинг адашган ўғли ҳам ёмғир томчилари овозини тинглаётгандир. Узоқ жимликдан кейин она деди:

– Расул, сен янглишибсан, менинг ўғлим аллақачон ўлган экан. Агар менинг ўғлим ҳаёт бўлганида, авар онаси ўргатган тилни унутмаган бўларди”.

Ҳа, тилни унутиш – ўзликни унутиш, илдиздан узоқлашиш эканини шу бир парча орқали ҳис этганман.

Эътибор беринг-а, биз саноқли сўзларгагина «она» сўзини қўшиб ишлатамиз: она табиат, она ватан ва она тили. Шундай экан, она тилига ҳурмат ҳам онага бўлган ҳурмат-у эъзозга яқин бўлиши керак.

Бугун орамизда ўша авар онанинг, ўша рассомнинг ҳолига тушганлар борми-йўқми, билмайман. Бироқ она тилига ҳурмат ҳали мақтангулик даражада эмаслиги барчага яхши аён.

Хўш, нима қилмоқ керак?

Бу соҳада бажариладиган ишлар, қабул қилинадиган расмий ҳужжатлар ўз йўлига. Кўп нарса сиз-у бизга боғлиқ. Ўзгаришни ўзимиздан бошлашимиз керак. Айтайлик, мен «обед»ни «тушлик» десам, сиз кулмасангиз, сиз «линейка»ни «чизғич» десангиз, мен кулмасам, балки секин бўлса-да, ўзгариш бўлар...

Хуллас, тилимиз тилим-тилим бўлмас... Ҳар ҳолда, мен шунга ишонаман, ишонгим келади доим.

Алишер АСАТУЛЛАЕВ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ходими, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзоси.

21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КУН



Чақалоқ дунёга келиб, илк эшитгани - онасининг меҳру муҳаббатга тўла алласи ҳисобланади. У она алласини мурғак вужуди билан тинглаб, жажжи юрагига сингдиради, бор шуури билан ҳазм қилиб, миллонлаб томирларига жо айлайди. Ҳаётга келиши билан илк эшитган гўзал қўшиқ - она алласи билан болада ота-онасига нисбатан меҳру оқибат, атрофдагиларга ҳурмат-эҳтиром, Ватанга муҳаббат пайдо бўлади.

Тил билиб, сирлашинг дунёлар билан

Эзгу иш ва яхшилик қилиш иштиёқи билан яшайдиган одам сифатида шаклланади. Бир ёшга етиб, тили чиқа бошлагач, илк айтган сўзи ҳам дунёдаги энг чиройли калом – меҳр қуёши балқиб турган «ОНА» сўзи ҳисобланади. Энг муҳими, бола вояга етгани сайин онасига, она тилига, Ватанга - ота маконга бўлган садоқати ошиб бораверади. Шунинг учун она тилимизни онамиздек, ота маконимизни отамиздек, элу улусни жигарларимиздек яхши кўрамиз, севамиз, қадрлаймиз!

Тил бор экан – миллат бор, унинг келажаги бор. Бинобарин, тил бойлиги, жозибаси бус-бутун келгуси авлодларга етиб бориши учун зиёлиларимиз, олиму шоирларимиз ўз асарлари билан ҳисса қўшган бўлса, халқимиз хоҳиш-иродаси, буюк донолиги ва ижодкорлиги билан шевалару лаҳжалари ила бу бебаҳо бойликнинг боқийлигини таъминлаб келган.

Араб тили грамматикасини яратиб, бутун араб дунёсида «Жаруллоҳ», яъни, Аллоҳнинг қўшниси, дея шарафланган аллома Маҳмуд Замахшарий бизнинг аждодимиз эди. Бугун ҳам араблар бобомиз асос солган араб тили грамматикаси асосида ўз тилларини ўрганишмоқда. Яна бир бобомиз – Абу Райҳон Беруний ўз она тилидан ташқари араб, форс, юнон тилларини ҳам жуда яхши билган. У ҳукмдор Маҳмуд Ғазнавий билан Ҳиндистонга боргач, ҳиндларнинг бой тарихи, урф-одат ва анъаналари, ўзига хос фалсафаси билан яқиндан танишиш мақсадида санскрит тилини ўрганади. Бу «Ҳиндистон» ва бошқа бир нечта асарларнинг яратилишига сабаб бўлган. Маҳмуд Қошғарийнинг она тилига бўлган меҳру муҳаббати дунёга машҳур асар - “Девони луғотит турк”ни вужудга келтирди. Қошғарий бобомиз ҳозирги Евроосиё кенгликларидаги туркий халқлар яшайдиган улкан ҳудудни кезиб, қадимий турк тилининг нақадар улуғвор эканини бундан минг йиллар муқаддам исботлаб берганди. Бу асарда бобомиз турк тилининг шева ва лаҳжаларини ўрганиш билан бирга уруғлар, қабилалар, элу элатлар, уларнинг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналари, эртак ва афсоналари, қўшиқ ва яллалари ҳақида жуда бой маълумот қолдирган.

Илм тили - араб, сиёсат тили - форс, оддий халқ ва ҳарбийлар тили турк бўлган даврда яшаган Низомиддин Мир Алишер Навоий илмий-адабий ва сиёсий саҳналардан четга сурилган, ўша давр зиёлилари томонидан камситилган тилимизнинг шуҳратини ўз ақлу закоси билан оламга ёйди. Алишер Навоий “Муҳокамат-ул луғатайн” асари билан туркий (ўзбек) тилнинг бойлигини, фасоҳатини намоён этиб, тилимизни инжу жавоҳирга тўла уммон эканини исботлаб берди. Энг муҳими, беназир ижодкор бебаҳо ва тенгсиз асарларни ўз она тилида битиб, тилимиз имкониятлари қандай чексиз эканини нодир битиклари асосида кўрсатди.

Навоий ўз асарларида тил мавзусига кўп мурожаат қилади. Масалан, “Кўнгил махзанининг қулфи тил ва ул махзаннинг калитин сўз бил!” ёки “Тилинг била кўнглингни бир тут, кўнглию тили бир киши айтган сўзга бут!” каби фикрларида минг бир маъно жамланган. Навоий сўзнинг нақадар қудратли кучга эгалиги ва ҳаттоки ўн саккиз минг олам яратилишига сабаб бўлгани ҳақида “Ҳайрат-ул Аброр” асарида шундай дейди:

Сўз гўҳариға эрур онча шараф,
Ки, бўла олмас анга гавҳар садаф.

Ёки миллатни, ёшларни илму зиёга чорлаган жадидларимизни олиб кўрайлик. Улар она тилидан ташқари рус, араб, форс, инглиз, немис ва француз тилларини билишган, аммо мамлакат тараққиётида она тилининг устунлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этишини назардан четда қолдирмаганлар.

Биз ана шундай буюк инсонлар авлоди эканимизни унутмаслигимиз, она тилини севган ҳолда ўзга тилларни ўрганиш бобида аждодлардан ўрнак олишимиз керак.

Шу мақсадда бугун таълим тизимимизда эътироф этишга арзийдиган ислоҳотлар амалга ошириляпти. Хорижий тилларни билишни, уни ўрганишни истовчи ёшлар сони ортиб бормоқда. Уларга сабоқ берадиган ўқитувчилар ҳам ўз она тилидан ташқари бирор хорижий тилни билган ва сертификатга эга бўлган педагог-ўқитувчилар сонини оширишга катта эътибор берилмоқда, уларни моддий рағбатлантириш мақсадида ойлик маошларига қўшимча равишда устамалар белгиланмоқда.

Самарқанд давлат чет тиллар институти ўз нуфузи билан хорижий тил ва адабиёт ўқитувчилари тайёрлайдиган олий таълим муассасалари орасида етакчи ўринлардан бирида туради. Бугунги кунда институтда 8 та факультет, 25 та кафедра фаолият кўрсатмоқда. Шундан 21 та кафедра профессор-ўқитувчилари талабаларга хорижий тил ва адабиёт бўйича дарс ўтишади. Институтда бакалавр таълим йўналишлари сони 19 тани, магистратура мутахассисликлари сони 16 тани ташкил этади.

Ҳозирги кунда институтда 11 та хорижий тил (инглиз, немис, француз, испан, итальян, рус, корейс, япон, хитой, араб ва турк тиллари) асосий чет тили сифатида, 11 та хорижий тил (инглиз, немис, француз, испан, итальян, корейс, япон, хитой, араб, турк ва форс тиллари) иккинчи чет тили сифатида ўқитиб келинмоқда.

Бундан ташқари, институтнинг 4 та тил ўқитиш ўқув марказида ёшларга хорижий тиллар ўргатиб келинмоқда. Бу ўқув марказларида янгича таълим дастурлари асосида дарс ва машғулотлар ўтиш йўлга қўйилган.

Бизга фахр бағишлайдиган жиҳат шуки, олийгоҳимизда таълим олган малакали ёш кадрларимиз турли хорижий компаниялар, сайёҳлик фирмаларида гид-таржимон ва бошқа шу каби касбларда ишлашмоқда. Доно аждодларимиз “Тил билган - эл билади” деганидек, институт талаба-ёшлари ва профессор-ўқитувчилар қадим Самарқандда ўтказилаётган турли нуфузли халқаро анжуман ва тадбирларда дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган мартабали меҳмонларга таржимонлик қилишмоқда. Анжуманларда сўзга чиққан иштирокчилар нутқини ўнлаб тилларда синхрон таржима қилишмоқда.

Хорижий тил ва адабиётни ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жаҳон адабиётидаги дурдона асарларни ўзбек тилига таржима қилиш, ўзбек адабиётининг нодир намуналарини чет тилларига таржима қилиш билан боғлиқ лойиҳалар устида ҳам иш олиб борилмоқда. Бугун таҳсил давомида талабаларимиз бир эмас, камида иккита хорижий тилни мукаммал эгалламоқдалар.

Вилоятимизнинг олис ҳудудларидаги умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг олий таълимга қизиқишини ошириш ва чет тили ўқитувчиларга методик кўмак бериш мақсадида йил давомида профессор-ўқитувчилар томонидан тегишли мактабларда турли маҳорат машғулотлари ташкил этилмоқда. Мактабларнинг чет тили фани ўқитувчилари тажриба алмашиш қамрови ва самарадорлиги ошмоқда. Бу эса қишлоқлардаги ўқувчи-ёшларнинг тил ўрганишга бўлган имкониятларини кенгайтирмоқда.

Институтимиз чет тилларини ўргатишга ихтисослаштирилган бўлса-да, ёшларимиз, аввало, ўзбек тилининг чинакам қудрати ва жозибасини чуқур ҳис қилмоқликлари учун бу йўналишдаги ўқув-ташкилий ишларни такомиллаштириш масаласига устувор эътибор қаратиб келинмоқда. Шунинг учун ҳам талабаларимиз ўзбек тили ва ўзбек адабиёти фанларида фаол ҳамда зукко. Зеро, она тилимизга муҳаббат - бу ўзлигимизга, қадриятларимизга бўлган юксак ҳурматдир. Ўзга тилларни илмий асосда ўрганиш, дунё билан бўйлашиш эса она тилини пухта билиш ва уни қадрлашдан бошланади.

Баҳодир ХОЛИҚОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори.

БИЗНЕСНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТИ



— Ижтимоий давлат моҳиятини ҳар бир инсон жамиятда тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароити яратилганига қараб англайди, ҳис қилади. Ушбу мақсад Конституция даражасида мустаҳкамланиши давлатнинг иқтисодиёт, таълим, фан, соғлиқни сақлаш, маданият, экология соҳаларида ижтимоий мезонлар устуворлигини таъминлашига туртки беради.



Гулноза САТТОРОВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Қонунчилик палатасига номзод:

Эътироф этиш керакки, Асосий қонунимизда Ўзбекистон ижтимоий давлат экани алоҳида белгиланган бўлиб, бу соҳадаги сиёсатнинг устувор йўналишлари фуқароларнинг меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш, дам олиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий таъминот олиш каби ҳуқуқларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга қаратилган.

Бугунги кунда ижтимоий сиёсат эҳтиёжманд қатлам вакилларига фақатгина моддий ёки пул шаклида ёрдам кўрсатишдангина иборат бўлмай, балки мамлакат ижтимоий инфратузилмаларининг барқарор ишлашини кафолатлаш, бу соҳада самарали давлат ва жамоат бошқарувини амалга ошириш, ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, аҳоли учун ҳар томонлама қулай яшаш шароитларини яратиш масалаларини қамраб олади. Бир-бирига узвий боғлиқ бу жараёнларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳада қонунийлик, инсонпарварлик, адолат тамойилларининг амалий тасдиғини топишига хизмат қилади.

Ижтимоий давлатга хос бўлган яна бир муҳим белги - бу ижтимоий масъулиятли бизнес ҳисобланади.

Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришда бизнес ва тадбиркорликнинг имкониятлари катта. Бугунги кунда давлат муваффақиятли ижтимоий сиёсатни юритиш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда ҳокимият, жамоатчилик ва бизнес ўртасидаги ижтимоий шерикчилик самарадорлигини оширишнинг принципиал янги усулларни излашдан ҳамда уларни амалиётга татбиқ этишдан манфаатдор. Зотан, миллий қонунчиликда ижтимоий мажбуриятларни тенг тақсимлашда давлатнинг потенциал шериклари, масалан, тадбиркорларни жалб қилишнинг аниқ механизмлари шакллантирилмоқда. Бунга мисол сифатида бугунги кунда саноат соҳаларидаги йирик тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан берилган ижтимоий солиқ имтиёзлари эвазига қўшимча иш ўринлари очилаётганини ва бу орқали минглаб оилаларни камбағалликдан чиқариш назарда тутилганини келтириш мумкин. Бундан ташқари, табиий ресурсларни масъулият билан асраш, фуқаролар учун маданий дам олиш масканларни яратиш, бепул таълим бериш каби ижтимоий лойиҳаларни эслаб ўтишимиз ўринлидир. Давлат ва бизнеснинг бундай ўзаро ҳамкорлигини изчил ривожлантириш тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий масъулиятини тўлақонли шакллантиришига олиб келади.

Бизнес учун ижтимоий масалалар бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш анъанавий равишда ихтиёрий, деб ҳисобланади, бироқ бугунги кунда ҳатто ривожланган Ғарб давлатларида ҳам ижтимоий масъулият ташаббусларини тадбиркорлик субъектлари учун мажбурий қилиш талаблари ортиб бормоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистондаги йирик тадбиркорлик субъектлари учун корпоратив ижтимоий масъулият амалиёти у қадар янгилик ҳисобланмайди. Лекин айни пайтда ижтимоий масъулият тамойилларига амал қилувчи компаниялар кам. Шу боис тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ижтимоий масъулиятнинг умумэътироф этилган тамойилларини жорий этиш учун ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, турли ижтимоий дастурларга маблағларни ўтказиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ҳаётий зарурат бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий масъулият ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги компаниялар фаолиятининг ажралмас қисмига айланди. Чет эл тажрибасига кўра, муваффақиятли бизнеснинг хайрия жамғармалари тизимини ривожлантириш, маданий, спорт, таълим, соғлиқни сақлаш ва кам таъминланган аҳоли турмуш шароитларини яхшилаш каби ижтимоий дастурларни молиялаштиришда тадбиркорлик субъектлари иштирокини кенгайтириш пировардида жамият фаровонлигини таъминлайди. Шунингдек, ижтимоий масъулиятли бизнес тармоқлар (корхоналар, ишлаб чиқаришлар) ва ҳудудлар жозибадорлигининг асосий омилларидан саналади. Ғарб давлатларида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тадбиркорларнинг иштироки билан чамбарчас боғланганини кўришимиз мумкин. Айнан мана шундай ёндашув – ижтимоий масъулият орқали иқтисодий ўсиш ва ҳудудларни барқарор ривожлантириш – Европа Иттифоқини ижтимоий-иқтисодий юксалиши бўйича дастурий хужжат сифатида 2000 йилда қабул қилинган Лиссабон стратегиясининг асосини ташкил этади.

Умуман олганда, бизнес билан шуғулланадиган ҳар қандай компания нафақат фойда кўриш, балки мижозлар фаровонлиги ҳақида ҳам қайғуриши керак, шундагина бизнес ҳам фаровонликка эриша олади. Тадбиркорлик тузилмаларининг ижтимоий масъулиятини шакллантиришда, ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни ҳал қилиш учун бизнес вакилларини жалб қилишда давлатнинг мақсадли қўллаб-қувватлаши айни замон талабидир.

> УМУМАН ОЛГАНДА, БИЗНЕС БИЛАН ШУҒУЛЛАНАДИГАН ҲАР ҚАНДАЙ КОМПАНИЯ НАФАҚАТ ФОЙДА КЎРИШ, БАЛКИ МИЖОЗЛАР ФАРОВОНЛИГИ ҲАҚИДА ҲАМ ҚАЙҒУРИШИ КЕРАК, ШУНДАГИНА БИЗНЕС ҲАМ ФАРОВОНЛИККА ЭРИША ОЛАДИ. ТАДБИРКОРЛИК ТУЗИЛМАЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА, ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДАГИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШДА ДАВЛАТНИНГ МАҚСАДЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШИ АЙНИ ЗАМОН ТАЛАБИДИР.



Очиқ мулоқот майдони

ТУГАЁТГАН ҲАФТАНИНГ ЯКШАНБАСИ МАМЛАКАТИМИЗ ЯНГИ ТАРИХИДА МУҲИМ САНАЛАР ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛИШИ ШУБҲАСИЗ. АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ АСОСИДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИДА САЙЛОВЧИЛАР КОНСТИТУЦИОН ҲУҚУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ОВОЗ БЕРАДИЛАР. АЙНИ КУНЛАРДА ПОЁНИГА ЕТАЁТГАН САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА БАРЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР АВВАЛ-БОШДАНОҚ ЕТАКЧИЛИК УЧУН КУРАШГА ДАДИЛ КИРИШГАНИ, САЙЛОВОЛДИ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИ ЯНГИ ВА САМАРАЛИ ШАКЛЛАРДА ОЛИБ БОРИШГА ИНТИЛАЁТГАНИ, ЎЗ НАВБАТИДА ХАЛҚИМИЗНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИ АНЧА ФАОЛЛАШГАНИ ҚУВОНАРЛИ, АЛБАТТА.



Халқ демократик партияси ҳам аралаш сайлов тизимида ҳар бир овоз учун кескин кураш кетишини яхши англаган ҳолда электорат ишончини қозониш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи, пухта ўйланган таклиф ва ташаббусларни, эзгу ғояларни аҳоли кенг қатламига чуқур етказишга ҳаракат қилмоқда. Партиянинг фикрича, кучли ижтимоий сиёсат - бу давлат ҳамма нарсани муҳтожларга муҳайё қилишини кўзлаб илгари сурилган ғоя эмас, балки ижтимоий мулкий ҳолатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро устувор ҳуқуқлари амалга ошишида бир хил имкониятга эга бўлиши билан боғлиқ принципиал масаладир.

Шу кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва қуйи тузилмаларида иш янада қизғин тус олган. Халқ вакиллигига номзодлар партиянинг Сайловолди дастурини кенг тарғиб этиш баробарида ўзларининг келгуси беш йил учун мўлжаллаган аниқ ва умумаҳамиятга эга режа-мақсадларини аҳоли билан учрашув ва жонли мулоқотларда баён қилмоқдалар.

Партия дастури мазмун-моҳиятида биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож, хусусан, камбағал қатламига урғу берилгани, нафақат ҳуқуқлар, балки уларни амалга оширишда имкониятлар тенглиги масаласи изчил қўйилгани тушунтирилмоқда. Ана шу тадбирларда иштирок этган одамлар ўзларини ўйлантираётган, қийнаётган муаммоларга ечим бўладиган таклиф-ғоялар билан танишмоқда, қизиқтирган саволларига жавоб олмоқда.

“Ҳар бир инсон фаровонлиги учун”, “Ижтимоий давлат учун” – бу жойларда партия томонидан ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирларининг асосий шиори ҳисобланади.

Хусусан, куни кеча Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 15-мусиқа ва санъат мактабида ташкил қилинган навбатдаги тадбирда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар Наталья Ражапова ва Мавжуда Ҳасанова ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича партиянинг мақсадларига батафсил тўхталиб ўтишди. Очиқ, самимий савол-жавоблар асносида учрашув иштирокчилари номзодлар ва уларнинг дастурлари ҳақида ҳам етарлича маълумотга эга бўлдилар.

ХДПдан халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутатлигига 14-Қизилтепа сайлов округидан номзод Олим Равшановнинг Қамаши туманидаги “Қизилқишлоқ” ҳамда “Чангак” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги сайловчилар билан учрашувида эса асосан иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштирокини сақлаб қолиш ташаббуси бош мавзу бўлди. Номзод камбағалликни қисқартириш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда банк-кредит соҳасини ривожлантиришда партия стратегик аҳамиятга эга компаниялар устидан давлат назоратини сақлаб қолиши, уларни хусусийлаштиришни қонун даражасида тақиқлаш, ишсизлик бўйича мажбурий ижтимоий суғурта миллий моделини жорий этиш, маҳаллий инвесторларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, уларга хорижий инвесторлар билан бир хил имтиёзлар бериш, маҳаллий бюджет маблағлари ва хусусий инвестициялар ҳисобига импорт ўрнини босадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёждаги бошқа товарларни ишлаб чиқариш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича тушунчалар бериб ўтди.

Айтиш жоизки, бундай мазмундаги учрашув ва мулоқотлар юртимизнинг барча ҳудудларида, ҳар бир туман ва маҳаллалар кесимида изчил давом этмоқда.

Дейлик, Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Маданият марказида ўтган тадбирда партиянинг Сайловолди дастурида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришга, давлат ва жамиятда ижтимоий тенгликни, ижтимоий адолатни кафолатлашга қаратилган ҳақчил таклиф-ташаббусларга алоҳида эътибор қаратилган бўлса, Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги тарғибот тадбирида ХДПнинг дастурий мақсадлари мазмун-моҳиятига кўра “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган конституциявий тамойилни тўла-тўкис рўёбга чиқаришга хизмат қилиши ҳаётий мисоллар билан асослаб берилди. Айни тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Феруза Раҳматуллаева, шунингдек, вилоят ва туман Кенгашлари депутатлигига номзодлар сайловчиларни ўз дастурлари билан таништирдилар.

Кўтаринки руҳдаги тарғибот-ташвиқот тадбирларида номзодлар партия ғоялари, таклиф-ташаббуслари электорат манфаатларига тўла-тўкис уйғун эканини аҳолига етказмоқда. Халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, ижтимоий инфратузилмаларни яхшилаш, жамиятда некбин кайфиятни барқарор сақлаш билан боғлиқ неки масала бўлса, ҳаммаси номзодларнинг эътиборидан ҳам, ўзаро муҳокама доирасидан ҳам четда қолмаётир. Бинобарин, қайси давлатда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишдан тортиб уларни амалиётга йўналтиришгача бўлган барча жараёнда биринчи галда халқ манфаати устуворлик касб этса, ўша ерда осудалик, фаровонлик ҳукм суради. Ижтимоий барқарорлик ва ижтимоий адолат ҳам айнан шунга боғлиқ.

Сайловолди фаоллик партия номзодлари ва сайловчиларнинг бақир-чақир, танқидий чиқишлари ёхуд партия логотипи ёпиштирилган тарғибот материалларини тарқатиш дегани эмас. Бу ғоявий кураш, аҳоли кенг қатлами билан очиқ, шаффоф фикр алмашиш, сайловчиларга онгли танлов учун имконият яратиш демакдир. Ҳозирга қадар ХДП номзодлари томонидан юртимиз ҳудудларида ўтказилган ва ўтказилаётган учрашув-мулоқотлар ана шу имкониятни тақдим этаётгани билан эътирофга лойиқ.





MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY’ATI:
Ulug`bek INOYATOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To‘lqin TO‘RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3
Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 8 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1037. 3278 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O‘zA yakuni —
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.